*Ёшлар шеърияти: таҳлил ва талқинлар*

# ТАСАВВУР АНИҚЛИГИ — ТАШБЕҲ ҚУДРАТИ

Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёни бадиий адабиёт жабҳасида ҳам жиддий эврилишларга йўл очиб берди. Хусусан, миллий мустақиллик мафкураси, ижод эркинлиги натижасида ёшлар шеъриятида ҳам бир қадар жонланиш сезилаётир.

Кейинги пайтларда ёшлар шеъриятида кузатилаётган ижобий ўзгаришлардан бири «юксак математик аниқлик»нинг етакчи тамойил даражасига кўтарилганида намоён бўлади. Бу хусусият, бир томондан, шеърда ташбеҳ, тушунча ҳамда тафсилотнинг сўзбозлик, сафсатабозликдан тозаришига имкон яратса, иккинчи томондан, статистик аниқлик бадиий ҳақиқатнинг ҳаёт ҳақиқати билан бўйлашишига, давр шиддатига мослашишига имкон яратади. Бу ҳолат Баҳром Рўзимуҳаммаднинг енгил шеърий шарҳларида, Асқар Маҳкамнинг фалсафий-маърифий, бадиий талқинларида кўзга ташланади. Фахриёр эса бир шеърида шундай ёзади:

**Парвардигор қулларига яширган**
**бир нарсани бандасига кўрсатди.**
**Бу эс эди,**
**таниди одам.**
**Ва бошини урмоқлик учун**
**девор тиклай бошлади...**

Кичик лавҳалардан ташкил топган бу шеърга «Ахлоқнинг пайдо бўлиши» дея сарлавҳа қўйилган. Бир қарашда, шеър оддий тасвирнинг жўн баёнидек таассурот уйғотади. Бироқ мисраларнинг аста-секинлик билан тасвирдан енгил таҳлилий миқёсларга кўтарилгани, айниқса, учинчи банддаги авж нуқта кутилмаганда тасаввуримизни муайян хулоса сари йўналтиради. Шеърда Парвардигори оламнинг одамзотга энг олий неъмат — онгни ато этиши, айни пайтда одамзотнинг мураккаб табиатини ҳам вужудга келтиргани зиддиятлар воситасида очиб берилади.

**Юрак узлатнишин Яссавий каби**
**ёлғончи дунёни кечириб яшар.**
**Юрак —**
**Усмон Носирга**
**ҳаётлигида**
**берилган яккаю ёлғиз мукофот.**

Шоир бадиий чизгиларига ижтимоий маъно юклайди: «Қафас билан туғилган қуш» — Юрак мудом ўз «патларини қонга ботириб, шеърлар ёзар озодлик ҳақда». Чунки унинг касби аслида «эркка ихтисослаштирилган!». Ваҳоланки, «Одамни қамаб қўйса бўлар бемалол, сургун қилса бўлар, ҳаттоки... Ўзига!». Англашиляптики, кучли эҳтирос, таъсирчан ҳиссиёт юқори пардада ўз моҳиятини очиб бермоқда. «Ҳаттоки» замирида шаклланаётган урғу фалсафий мушоҳада таъкидини янада кучайтирган.

Ҳар қандай шароитда ҳам фикрий такомил шеъриятнинг истиқболини белгилаб беради. Туйғуларнинг таъсирчанлиги бевосита ижтимоий-фалсафий фикрлар уйғунлигидан озиқланади. Мушоҳада тиниқлиги, тасвир теранлиги ва мантиқий изчиллик, айни пайтда, бадиий яхлитликни таъминлайди. Зеро, руҳий кечинма табиати яхлитлик асосига қурилсагина, сўз инсоннинг «ғоявий ибтидоси»га (Хосе Ортега-и-Гассет) яқинлашади ва маънавий теранлик касб этади. Кейинги фикримизга Салим Ашурнинг бир шеъридан олинган ушбу парча мисол бўла олади, деб ўйлаймиз:

**Сўз айтдим —**
**Куйдириб тилимни,**
**Ёнаверди қақроқ овозим.**
**Ҳар байтим**
**Ғаш этиб дилимни,**
**Шеърият,**
**Мен яна ишқингга қайтдим!**

Шеърият — инсониятнинг эзгу аъмоли, унинг буюк мақсадлар йўлидаги интилишларини акс эттирувчи кўзгу. «Дунёнинг бошида» турган Сўз санъати «руҳлар ғалаёни», «XX асрлик жароҳатлардан» баҳс юритади, «Қор остида яшил дарахтдай» — Ишонч туйғуси «Қутлуғ ниятларнинг исини таратган» — Юрак сарҳадларидан маънавий далда олади. «Шеърсиз йиғлаган» — Она, «Буюк ғалабанинг ҳушёр соқчиси» — Тинчлик тушунчалари «Хушқад Дард» — Ватан соғинчи билан уйғунлашиб кетади. Шунинг учун ҳам шоир: «Шеър ёзар, Қоғозига қонин сачратиб!». Зотан, фақат ва фақат Шеъргина Инсонни «Тоғ йўли — ҳақиқат йўлидай, Юксакка бошлайди муҳаққақ!»:

Вафо Файзулло бир шеърида «Қайсдан Мажнунгача азалий зулм!» деган ташбеҳни ишлатади. Қайсни Мажнун даражасига кўтарган, саҳроларда тентиратган дунё ҳануз «иблиснинг кишанида илоҳий ҳузур» топади.

Демак, «Дунё аталмиш бу кўҳна сарой»нинг «Гуноҳ манглайида иймон безаги» нақшланган экан, Қаҳрамоннинг «заминдай, жаҳондай, бахтдай» ёлғизлиги мантиқий изчиллик касб этади.

Анъанавий усулда қалам тебратаётган Иқбол, Салим Ашур шеърларида халқона оҳанг, табиийликка интилиш кучли. Бироқ баъзан ҳаддан ташқари жўн тасвир сўзбозликка олиб келишини уларнинг айрим шеърларида кузатиш мумкин. Вафо Файзулло тенгдошларидан фарқли ўлароқ фикрни нафосат билан уйғунлаштиришга ҳаракат қилади, аксар ҳолларда сайқалланган мисралар жиддий муваффақиятлар ҳам келтиради. Бироқ баъзи ҳолларда ижодкор талқинларида ортиқча «адабийлашиб» кетган сўз мазмунига путур етказади, жимжимадорлик ва сунъийликка йўл очиб беради.

Шаҳрибону «Таниш сўқмоқлар» шеърлар тўплами билан шеърият мухлисларига яхши таниш. Тўплам шоиранинг турли йилларда ёзган шеърлар ва драматик достонини ўз ичига олади. Шеърлардаги туйғуларнинг юксак ҳиссий пардаларда жилоланиши, таъсирчан мусиқий оҳанглар китобхон юрагига селдек қуйилади, кайфиятнинг гоҳ ўйчан, гоҳ шодон товланишларига туртки беради. Унинг изланишларида моҳият аниқлаштирилмайди, балки руҳ манзараларини ифода этувчи воситага айланади:

**Тушимга кирган ул малла соч гўзал,**
**Куз — менинг ҳаммадан қизғонган сирим.**
**Хазондай сочқилаб ўйнайди шамол,**
**Ўйларим, мен томон ташлаб кўз қирин.**

«Тушимга кирган ул малла соч гўзал». Кузга берилган бу таъриф чиндан гўзал. Ана шу ўринда шоира анъанавий тимсолга янги маъно юклайди: хазон рамзи сифатида онгимизда турғунлашган моҳият бутунлай янги қирраларда намоён бўлади. Кейинги сатрларда ташбеҳ ўзининг анъанавий мазмунига яқинлашади ва туйғу ҳамда фикрнинг мутаносиблигини таъминлайди.

Шаҳрибону баъзи ҳолларда ташбеҳ қўллашда ноаниқликка йўл қўяди, «Кутган дам юракка тиним келмайди!», «Очилар(?) кўнгилда боғичларимиз» сингари мисраларда шу каби қусурларни кузатиш мумкин.

Қўчқор Норқобил бир туркум шеърларини «Хосиятли дунё» дея номланган. Яшил ифорларга бурканган ишқ дунёси шундай номланиши бежиз эмас, албатта. Чунки ишқ илоҳийликка дахлдор тушунча, у инсон тафаккурини нурлантириб турадиган, эзгуликнинг олис, машаққатли манзилларига элтадиган йўлдир. Бу туйғу «минг йиллик йўлларда» синовлардан ўтган, «ишқ куйдирган юрак»нинг туб-тубидан сизиб чиқаётган изтиробларга ҳамоҳанг. Шу боис, шоир шеърларини бироз маҳзун якунлаши ажабланарли туюлмайди: «Таланглар! О... оғ.. Оқриқ!!! Бунчалар лаззат»

Инсон табиатининг ниҳоятда мураккаблиги, баъзан киши ёлғизликдан ҳам юпанч ахтариши, кўнгил эҳтиёжига шодлик эмас, алам малҳам бўлишини ҳисобга олсак, мушоҳаданинг моҳияти ойдинлашади:

Ҳарқалай, ёшлар шеърият дунёга «зимистон руҳсизлик» таҳдид солаётганидан, ҳар қадамда «дилни ғажилаб ўрганган каслар» мавжудлигидан огоҳлантиради. Қуюқ қора ранглар руҳиятни поклаши, «аламлардан эзилган юраклар»га маънавий далда беради, курашиб яшашга ишонч уйғотади.

Албатта, ёшлар шеъриятига хос бир қусур ҳақида гапириш ўринлидир. Бу, айниқса, бошловчи ижодкорлар машқларида тақлидчиликнинг авж олганлигида намоён бўлади. Тўғри, ҳар бир истеъдоднинг шаклланиш жараёнида ўқиш-ўрганиш, ўсиш-ўзгариш даври кузатилади. Табиийки, турфа услубий-шаклий изланишлар уйғунлиги ижодкорнинг ўзига хос услуби шаклланишига ёрдам беради. Бироқ ижодий таъсирдан тақлидчиликни фарқлаб олиш лозим. Назаримизда, ёшларнинг изланишларида тақлидчиликнинг қуйидаги кўринишлари кўзга бўртиб ташланади. Улардан айримлари ўз имкониятлари, шеър талабларини ҳисобга олмасдан қалам тебратишга интилишса, айримлари машҳур шоирлардан бирининг ижоди таъсирига тушиб қолиб, шу таъсир доирасида қолишади. Бу ҳол, бир томондан, ўртамиёна машқларнинг кўпайишига «ҳисса» қўшса, иккинчи томондан, ғоявий-бадиий талқинларда ижодий турғунликнинг барқарорлашишига олиб келади. Зотан, устоз шоирлардан бири: «Юзлаб шеърлар бор, аммо ҳаммасини уч-тўрт киши ёзаётгандек таассурот қолади», дея эътироф этганда шуни назарда тутган, албатта.

Умуман олганда, ёшлар ижодида дунёни янгича идрок этиш, ҳаётни турфа ранглар уйғунлигида тасвирлаш тамойиллари устиворлик касб этмоқда. Гарчи уларнинг изланишларида, ранг-баранг услубий-шаклий фалсафаларга мойиллик ҳайратланарли самаралар бермаётган бўлсада, айни пайтдаги ютуқлар ёшлар шеърияти жиддий эврилишларга, сифат ўзгаришларига юз бераётганини кўрсатади. Зеро, миллий адабиётда кузатилаётган ички янгиланиш пировард натижада сўз санъатини юксакликларга кўтаришига шубҳа йўқ.

**Илҳомбек ҚУРБОНБОЕВ,**
**ЎзРФА Тил ва адабиёт институти тадқиқотчиси**

*Дунё тургунича тургай бу байроқ!*



*21 октябр — Ўзбек тили байрами*

# УЙҒОҚ ХАЛҚ ТИЛИНИНГ ЭРТАСИ БОР

Аслида, тил жамият аъзоларининг муҳим алоқа воситаси сифатида табиий ривожланиб боради. Бироқ жамият ривожида шундай ўзгаришлар бўладики, улар тилга ҳам катта таъсир кўрсата олади. Мана шундай ҳолат XX асрда она тилимиз — ўзбек тили ҳаётида содир бўлди. «СССР» деб аталмиш улкан империя таркибидаги Ўзбекистонда ўзбек тилининг қўлланиш доираси жуда торайиб кетди, ҳатто «оила тили» даражасига тушиб қолди. Ана шу вазият миллатимиз фидойиларини, зиёли аҳлини қатъий қадам ташлашга ундади. Ниҳоят, 1989 йил 21 октябрда «Давлат тили ҳақида» қонуни қабул қилинди. Бу эса ўша даврдаги жуда катта жасорат намунаси, собиқ империя қалъасига берилган қақшатқич зарба эди. Ҳа, ҳали коммунистик мафкура халқни ўз таъсир доирасида, социалистик тузум ўз исканжасида маҳкам тутиб турган пайтда ўзбек халқи ўзлигини йўқотмаганини, ушбу юртнинг ўз эгалари борлигини баралла намойиш қила олди.

Мана ўша фараҳбахш кунларга ҳам 13 йил тўлмоқда. Бу орада қанча сувлар оқиб ўтди... Энг муҳими, она юртимиз истиқлолга эришди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 4-моддасида: «Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир», деб муҳрлаб қўйилди. «Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида» қонун қабул қилинди. «Давлат тили ҳақида» қонунининг янги таҳрири амалга оша бошлади. Буларнинг ҳаммаси истиқлол неъмати бўлиб, кўнглимизда фахр-ифтихор туйғуларини жўш урдиради, албатта.

Назаримизда, юқорида санаб ўтилган муваффақиятлар асосида 1989 йил 21 октябрда қабул қилинган «Давлат тили ҳақида» қонуни турибди, десак муболаға бўлмайди. Негаки, мазкур қонун ўзбек халқининг ўз кучига ишончини мустаҳкамлади, она тилимиз атрофида халқни янада жипслаштирди. Ўзбек тилининг давлат тили мақомига эришуви ор-номус, орият масаласи эканлиги, ҳар қандай маданият асосида ҳам она тили пойдевор бўлишини англаб етдик.

Хўш, ҳозирги пайтда «Давлат тили ҳақида» қонуни талаблари эскирдими? Мазкур қонунга ватандошларимизнинг муносабати қандай? Афсуски, мазкур саволларга фақатгина ижобий жавоб бериб бўлмайди. Негаки, фуқароларнинг кўпчилиги ўз она тилига ўта бепарво муносабатда бўлмоқдалар. Бу , аввало, уларнинг оғзаки нутқига тегишли. Баъзи миллатдошларимизнинг ўзаро суҳбатини эшитиб, ҳайратдан ёқа ушлашга тўғри келади. Улар шундай бир «қурама тил»да сўзлашадиларки, ўзингни қўярга жой тополмай қоласан. Назаримизда, бундай тоифадаги кишилар сўз ўзлаштириш ва сўз қўллаш ҳодисаларини умуман фарқлай олмайдилар. Бундай хунук манзарани зиёлилар орасида ҳам учратиш мумкин. Хўш, бу нимадан дарак беради? Бизнингча, баъзи миллатдошларимиз тил, аввало, миллатнинг қалби эканини, тилга ихтиёрсиз одам элга эътиборсиз кимса эканини англаб етмаяптилар.

Мазкур муаммонинг нафақат лисоний, балки сиёсий жиҳатларига ҳам тўхталиб ўтиш жоиздир. Ахир, ҳар бир жумлада 3-4 «байналмилал» сўзни аралаш-қуралаш ишлатиш шўро давридан қолган асорат эмасми? Маълумки, коммунистик мафкура «қурама тил»ларнинг вужудга келишини рағбатлантириб турарди. Наҳотки, ўша давр мафкураси ҳануз ўз таъсир кучини йўқотмаган бўлса? Ахир, бу ҳолат аллақачон сиёсий мустақилликка эришган бўлсак-да, лисоний қарамлигимиз ва маърифий қашшоқлигимиздан дарак бермайдими?

«Давлат тили ҳақида» қонуни талабларини бажариш йўлидаги яна бир бепарволигимиз ёзувлар билан узвий боғлиқдир. Маълумки, ёзув ҳам тилнинг шартли белгиси сифатида ҳар қандай миллатнинг юзи, кўзи ҳисобланади. Шу сабабли ҳам ривожланган миллатлар ўз ёзувига ҳар доимо эътибор билан қарайдилар. Бинобарин, ўзбек халқи ҳам ўз ёзувига миллий маданият белгиси тарзида қараб, хоҳ араб, хоҳ лотин, хоҳ кирилл ёзувида бўлсин, муқаддас бир неъмат сифатида муносабатда бўлиб келган. Лекин бу борада ҳам кейинги пайтларда орқага кетиш кузатилмоқда. Масалан, биргина пойтахтимиз кўча ва майдонларида ёзиб қўйилган кўча номлари, йўл кўрсатгичлар, пешлавҳа, реклама ва эълонларнинг матнларини кузатсангиз бунга ишонч ҳосил қиласиз. Кузатишлар шуни кўрсатадики, бундай ёзувларнинг кўпчилигида имловий хатолар учрайди. Бунинг устига реклама ва эълонларнинг аксарияти рус ва инглиз тилларида тайёрланган. Эҳтимол, «Реклама тўғрисида» қонуни моддалари бундай ҳолга имкон берар, бу алоҳида бир мавзу. Лекин бу юрт Ўзбекистон эканлиги, унинг давлат тили ўзбек тили экани ҳисобга олиниши шарт. Чунки ҳуқуқий-демократик давлат қуриш жараёнида барча қонунларнинг устуворлигини тан олиш ҳам фарз, ҳам қарз.

Ҳозирги шароитда республикамизда ўзбек-лотин алифбоси босқичма-босқич жорий қилиниб, ҳаётий эҳтиёжга айланиб бормоқда. Шу боисдан ҳам деярли барча ёзувларимиз ўзбек-лотин алифбосида тайёрланмоқда. Аммо бу борада ҳам талай нуқсонларга йўл қўйилмоқда. Баъзи жойларда русча сўзларни ҳам ўзбек-лотин алифбосида ёзиш ҳоллари мавжуд. Масалан, **avtomoyka, avtozapchasti** сўзларининг шу тахлитда ёзилишини оқлаб бўлмайди. Шунингдек, **Xx** ва **Hh** ҳарфлари борасида ҳам кўп чалкашликларга йўл қўйилмоқда: хуш келибсиз сўзининг **hush kelibsiz** ёки **xo`sh kelibsiz** тарзида ёзилишини ўз она тилига эътиборсизликдан бошқа нарса деб бўлмайди.

Она тилининг бойиб, қўлланиш доирасининг кенгайиши, асосан, шу тилдан фойдаланувчиларнинг саъй-ҳаракатига боғлиқ. Шундай экан, биз зиёлиларнинг муқаддас бурчимиз она тилимиз — ўзбек тилининг гуллаб-яшнашини таъминлаш, «булбул куйин шеърга сола оладиган» имкониятларини намойиш этиш, уни ҳар хил тажовузлардан ҳимоя қилишдир. Зотан, эгаси бор юртнинг, зиёлиси уйғоқ халқнинг ҳамда шу халқ қўллайдиган тилнинг эртаси бордир.

**Равшан ЖОМОНОВ,**
**филология фанлари номзоди**

*Бадиият ва назария*

# МАКОН МУАММОСИ

Чўлпон «Тарихнинг зарарлик такаррури» сарлавҳали мақоласини шундай бошлайди: «Дунёнинг кетиши, турмушнинг оқишида шундай воқеалар пайдо бўладирким, у воқеаларга ўхшаш ҳоллар ундан бурун ҳам кўрулиб ўтади. Ана шу вақтларда маҳмадона, чечан кишилар чиқиб «тарих такаррур қилаётир», деб шовқин-сурон қилиб юборадилар». Такаррур — такрор дегани. Ҳақиқатан ҳам ижтимоий ҳаётдаги баъзи ҳодисотлар қадимий даврларда, қайсидир жиҳатларига кўра, рўй берган бўлиб чиқади. Масалан, собиқ шўро мафкурачилари илгари сурган «тенглик» амалиётини аввалги замонларда ҳам айрим ислоҳотчилар қўллашган. Мисол учун, Маздак (470-529 йиллар) таълимотини олиб қарайлик. Маздакийлик таълимоти большевиклар назариясида қисман такрорланган. Бу каби ҳодисалар санъатнинг баъзи турларида, хусусан, бадиий адабиётда ҳам такрорланган бўлиши мумкин. Тадқиқотларга қараганда, «модернизм» истилоҳининг тўрт минг йиллик тарихи бор экан. Ғарб мамлакатларида бу оқимнинг келиб чиқиш сабаблари, тарихи, ифода усуллари кенг миқёсда ўрганилган. Шунчаки назария сифатида эмас, балки одамнинг руҳий ҳолатлари, тана фаолияти билан муштаракликда тадқиқи қилинади. Модернчи тадқиқотчилар жиншуносликни, туш ва тушга боғлиқ ҳодисаларни ҳам ипидан игнасигача ўрганиб чиқишади. Модерн — қуруқ саҳрода униб чиқмаган, албатта. У, аввало, миф ва афсоналардан, фольклордан куч-қувват олган.

Биз модернни бирор оқимнинг маъно-мазмунини белгиловчи истилоҳ сифатида эмас, балки ноанъанавий йўналишларнинг ҳаммасини бирваракайига «модернизм» деб атайверамиз. Қисман символизм, футуризм, экзистенциализм, дадаизм каби оқимларни ҳам модернизмга киритамиз. Бу табиий ҳол. Чунки, Абдулла Улуғов айтганидай, «ғарбона шартлилик усули» бизда эндигина куртак ёзмоқда. Адабиётшунос бу ҳодисани тўғри илғайди: «Фитрат, Чўлпон, Абдулла Қодирий, Ҳамза, Абдулла Қаҳҳорлар, Одил Ёқубовлар авлоди ҳаёт ҳодисаларини ўз кўринишида акс эттириш билан кифояланган бўлсалар, 80-йиллар адабиёт майдонига кирган носирлар авлоди реалистик тасвирга ғарбона шартлиликни уйғунлаштиришга эришишга интилдилар».

Кейинги пайтда модернизм ҳақида вақтли нашрларда, телевидениеда, радиода анчагина фикр-мулоҳазалар билдирилди. Бу оқимни қўллаб-қувватловчи, айни вақтда рад этувчи, қисман инкор қилувчи олимлар мулоҳазалари билан танишдик.Аммо тан олишимиз керакки, модернизм реализмдан ўсиб чиққан. Шу билан бирга модернизм реализмнинг муқобили.

Алҳол, ривожланган ғарб мамлакатларида консерваторлик ижобий ҳодиса сифатида қабул қилинади. Масалан, аксарият шоирлар модернга ўтганлиги боис ғарбда «қофияда шеърлар битадиган шоирлар уюшмалари» тузилган. Шунингдек, анъанавий насрга қизиқувчилар ҳам кўп. Дейлик, ўта анъанадор ҳисобланган Японияда учлик, бешлик ёзадиган шоирлар билан бир қаторда француз модернчилари таъсирида қалам тебратаётган шоирлар ижодига ҳам қизиқиш кучли.

Гоҳо адабий гуруҳларда «мен ҳар қандай «изм»ларга қаршиман» қабилидаги гаплар қулоққа чалинади. Тўғри, «изм»-парастлик дунёқарашни рангсизлантиради, кўр-кўрона тақлидчилик қаламкашга обрў келтирмайди. Аммо ҳар ҳолда адабиётдаги янгиланишлар қандайдир исм билан номланиши ҳам керак-ку? Назариётчилар ислоҳатлар билан иш кўришади. Шу боис символизм, футуризм, дадаизм каби ўнлаб оқимларнинг яратилиш тарихидан бохабар бўлиб қўйсак, бунинг ёмон жиҳати йўқ. Бинобарин, тасаввуф оқими истилоҳлари айни кунда қунт ила ўрганилмоқда. Тасаввуфнинг ҳам шартли белгилари, тасвир воситалари мавжуд.

Ҳозирги даврда модернизмга муносабатда айримлар: «Модернизм — топишмоқ ёки кроссвордга ўхшаган бир оқим» дейишади. Тўғри, бир қарашда модерн роман, қисса ёки ҳикоя, модерн шеър кроссвордга ўхшаб кетади. Чунки модернда шартли тахминга кенг ўрин берилади. Бундан ташқари код унсурлари ҳам мавжуд. Дейлик, баъзи шеърларда бош ҳарфларнинг умуман қўлланилмаслиги, тиниш белгиларининг ишлатилмаслиги, сарбаст вазнидан безаксиз насрга ўтиб кетиш ҳолатлари математик ҳисобларга кўра ўқувчи хиссиётини қўзғаб юборишга асосланади. Масалан, бир немис шоир шеърни моддийлаштиради. Унинг тасвирлашича, шеърнинг ичида йўл бор, корхоналар бор, автобусга ўтириб олиб саёҳатга жўнаётган киши бор ва ҳоказо. Бу кенг маънодаги шартли тахмин. Бу каби усулларнинг ҳаммаси ўқувчининг интуициясига таянади. Ўқувчи ўша тасвирлардан бирор маъни тушунмайди, балки шаклдан завқланиб, ўзгача ҳолатга тушади. Юрак титроқларидан лаззат олади. Модерн шеърда образлар такрори аниқ мақсад йўлида қўлланилади. Мана ҳозирги замон немис адабиётининг кекса авлодига мансуб Ханс Магнус Энценсбергернинг (1929 йили таваллуд топган) «Танишув» сарлавҳали шеъри:

**Бу Данте эмас**
**бу Дантенинг сурвати холос**
**бу филмда артист Данте ролини ўйнамоқда**
**бу филмда Данте ролини Дантенинг ўзи ўйнамоқда**
**бу киши Данте ҳақида ўй сураётган киши**
**бу кишининг исми Данте лекин ўзи Данте эмас**
**бу киши Данте қилиқларини такрорламоқда**
**бу киши Дантеман деб турибди**
**бу киши Дантега адаштирарлик даражада ўхшаш**
**бу соқчи қиёфасидаги Дантедир**
**бу шунчаки шўх болакай Данте қиёфадоши**
**бу ўзини Данте деб ҳисоблаётган киши**
**Дантедан бошқа ҳамма бу кишини Дантемикан**
**деб ўйлайди**
**лекин унинг ўзи Данте эмаслигини билади**
**бу кишини Дантедан бошқа ҳеч ким Данте**
**деб ўйламайди бу Дантедир**

Биринчидан, шоир шеър структурасини яратишда кашфиётга эришади. Шу восита ўқувчини беихтиёр қизиқтириб қўяди. Барчага маълумки, италян шоири Данте инсон суврати ва сийратига доир фалсафий фикрларни фавқулодда теран образларда гавдалантирган эди. Х.М. Энценсбергер моҳиятни ёдда тутган ҳолда, шоир ҳолатларини кетма-кет келтириб, даҳонинг ўзлигини излайди.

Иккинчидан эса, мазкур шеърда ғойиб бўлиш сир-асрорига имо-ишора этилади. Буюк мутафаккир Ф.Атторнинг «Ғойиб бўлган Искандар» ҳикоятини эслайлик: «Жаҳонгир Искандар бир кун бир мамлакатга элчилар юбормоқчи бўлди. Бир неча одамга бир хил кийим кийдирди ва ўзи ҳам ўшаларнинг либосидан кийиб олди-да, элчиларга қўшилиб жўнади. Ҳеч ким Искандар қайси, элчилар қайси эканлигини билолмасди. Искандар кўзи ҳеч кимда йўқ эди, агар бирортаси мен Искандарман деса ҳам ҳеч ким ишонмасди... Искандар эса ҳаммани кўриб турар ва ҳамманинг аҳволидан ҳабардор эди...» («Илоҳийнома»дан).

Инсоннинг ўзлиги муаммосига, табиийки, Ғарбу Шарқ файласуф шоирлар бирдек қизиққанлар. Афтидан, замонавий немис шоири ҳам ўша қизиқиш жараёнларига имо-ишора қилаётгандек. Умуман олганда, модернчи шоир батафсилликни хуш кўрмайди. Хулоса ясаш амалини ўқувчининг ўзига қолдиради.

Бу каби тажрибаларни ғарб замонавий адабиётида истаганимизча топишимиз мумкин.

Ҳозирги замон немис модерн адабиётидан ҳабардор олим Баҳодир Карим немис тадқиқотчилари билан кўп бора суҳбатлар ўтказган, ғарб адабий тамойилларини бир қадар билади. У «ЎзАС»да чиққан «Уйғунлик эҳтиёжи» сарлавҳали мақоласида жумладан шундай деб ёзади: «...абсурд адабиётининг ўз фалсафаси, ўз бадиий-эстетик мезонлари бор. Абсурд адабиётининг вакиллари жуда катта файласуфлардир. Бу фикр исботини сюрреалист, экзистенциалист ва символистлар ижодидан хабардор зукко ўқувчи билади. Улардаги нафосат кўз илғамас ички симметрик ҳолатлардан юзага келади. Демоқчимизки, модерн шеъриятига тақлидан шеър ёзаётган ҳавасманднинг фавқулодда ўзига хос дунёқараши, ўз ботиний эстетик қоидалари, илмий-фалсафий таянчлари йўқ экан, демак, ўша типдаги машқлар оддий алжирашдан бошқа нарса эмас». Ғоятда оқилона фикр: Модерн шеър ёзишга ҳавасманд қаламкаш турли-туман образларни қалаштираётганида худди муз устида рақс тушаётган уста санъаткорнинг ҳаракатларини четдан кузатиб туриб, «бу осон-ку», дея оёғига чанғи боғлаб, музга чиқаётганда ағанаб тушган одамга ўхшаб кетади. Боиси бу қабилдаги тажрибалар ҳадисини олмаган қаламкашга содда туюлса-да бажарилиши мураккабдир ва инсондан анча куч-қувват талаб этади.

Худди шу аснода сўзлар шахмат тахтасидаги доналарга ўхшайди: ўша доналар билан кимдир мураккаб комбинациялар ҳосил қилади, кимдир эса шашка ўйинига монанд осонроқ усулни қўллайди. Буларнинг барчаси илмга, тажрибага, зеҳну қунтга боғлиқ. Демак, модерн шеърнинг ўз қонун-қоидаси мавжуд. Ўша қоидаларни ўзлаштирмаган ўқувчи учун бу санъат жумбоқ бўлиб қолаверади.

«Модернизм ғарбдан кириб келган. Бинобарин, модернчи ёзувчиларнинг асарларини ғарбда қизиқиб ўқишмайди; улар модерндан «тўйинган». Ўқийман дейишса, ўзларида бу йўналиш вакилларининг асарлари қалашиб ётибди», дегувчилар ҳам бор. Аввало, бу тоифадаги адабиётшунослар бу оқим билан жиддийроқ қизиқиб кўришмаган. Хўш, модерн ҳодисаси ўзи нима? Дейлик, нега Ж.Жойс «Улисс» романи структурасини белгилашда Гомер достонларига мурожаат этган? Ёки Ф.Ницше «Зардушт таваллоси» асарини ёзишда шунча асарлар ортга қайтиб, «Авесто» фалсафасидан унумли фойдаланган? Нега А.Камю ўз қарашларини энг қадимий юнон мифларига боғлайди? Буларнинг асосида нима ётибди? А.Камюга ўхшаган экзистенциалистлар адабиёт майдонига катта даъво билан чиққан эдилар. Бу фақат бутунлай ўзгача тамойилдаги асарлар яратиш истаги билан изоҳланмайди. Улар мавжудлик жумбоғини очиш йўлида қўлига қалам олган мутафаккирлардир. Бошқача айтсак, Тангрининг қудратига тақлид қилишга ҳавасманд даҳолар улар. Бироқ бу истак сароб бўлиб қолаверди ва экзистенциалистлар киноя, истеҳзо билан чекландилар. Лекин маълум даражада инсон табиатини очдилар ҳам.

Бунақа усул ғарбдан кириб келган, дейишимиз мумкинми? Аслида улар ер ости сувларига ўхшаш мифлар муштараклигини топган эдилар.

Турли халқлардаги фолклор намуналари орасида ўзаро ўхшашликлар бор. Ўрхун-Енисей ёдгорликлари-ю бундан минг йиллар бурун қалам тебратган араб, форс, турк шоирларининг фикрлаш тарзи бир-бирига яқин. Худди ўша вақтлардаги фикрлаш тарзи кейинчалик модернга асос бўлганлиги аниқ. Демак, Франция — модерн ватани, қабилидаги қарашлар анча баҳсталабдир. Бу худди Арабистон — тасаввуф ватани деган гапга ўхшайди. Масаланинг бу жиҳати назариётчилар эътиборига ҳавола. Лекин «модерн табиати ҳамма жойда бир хилдир», қабилидаги қарашлар мантиққа хилоф. Нега? Чунки одамнинг ҳис-ҳаяжонга берилиш тарзи унинг генига, турар-жой иқлимига, миллатига чамбарчас боғлиқ. Бир гал германиялик ҳамкасбимиз, таниқли туркolog олима ташриф буюрганида магнит тасмасига тушларимизни ёзиб олди. «Немисларнинг кўрган туши ўзбекларникидан кескин фарқ қилади. Мен ана шу тафовутни далиллаб бермоқчиман», деди у ўз режаларини шарҳлаётиб. Қаранг-а: ҳатто туш кўриш жараёни ҳам миллий тафовутга боғланаркан. Демак, фикрлаш мароми ҳам шундай. Бу ўринда менталитет тушунчаси ҳам бор. Ана шулардан хулоса ясаб айтмоқ мумкинки модерн шундай бир уруғки, қайси маконга тушса шу ернинг тупроқ шароити, иқлимига мослашиб лаб ёради, гуллайди, мева тугади. Балки унинг таъми Польшада бошқачароқ, Японияда бутунлай ўзгача, Ўзбекистонда эса яна бошқача бўлмоғи мумкин. Худди шу жиҳатдан ҳинд модернизми корейс модернизмидан ёки ўзбек модернизми чех модернизмидан катта фарқ қилади. Буни билмоқ учун турли халқлар адабиётида яратилган модерн асарларга бир қур назар ташламоқнинг ўзи кифоя.

Адабиётшунос Иброҳим Ҳаққул «ЎзАС»да эълон қилинган «Ёшлар шеърияти: таҳлил ва талқин» мавзуидаги давра суҳбатида: «Шеъриятдаги янгиланиш, адабиётдаги янгиланиш барибир шахс билан боғлиқ. Кучли шахс бўлган жойда шеърият жуда ҳам илгарилаб кетади», деди ва бу гапни ундан кейин шу ҳафталикда чиқиш қилган икки мунаққид дўстимиз қўллаб-қувватлади. Тўғри фикр. Кучли шахс нафақат шеъриятнинг, балки насрнинг, умуман, адабиётнинг анча илгарилаб кетишига туртки беради. Дейлик, Л.Толстой ҳам, Ф.Достоевский ҳам кучли шахслар бўлишган. Улар рус романчилигини дунё миқёсига олиб чиққан даҳо зотлардир. Худди шунингдек, Ф.Ницше — кучли шахс, А.Камю, Ж.П.Сартр, Ж.Жойс — кучли шахслар. Булар ғарб тафаккури имкониятларини шу даражада очиб бердиларки, бошқа халқлар адабиётининг етакчи намоёндалари ўша ёзувчи-файласуфларга тақлид қилиб, янгича усул яратдилар. XX аср жаҳон адабиётини Ф.Кафка, А.Камю, Ж.П.Сартр, Ж.Жойс асарларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Қайсики миллий адабиётда бирор тажриба ўтказилмасин, барибир ўша модернчилар мазкур ёзувчилар асарларидан руҳлангани маълум бўлиб қолади. Энг илғор тажриба — экзистенциалистлар тажрибасидир. Бироқ мазкур воқеликни бирмунча юзаки тушунувчи адабиётшунослар улар яратган образларга баҳо бераётиб, бу ҳолни шаккокликка йўядилар. Бу анча баҳсталаб қарашдир. Негаки, улуғ мутафаккир Мавлоно Жалолиддин Румий куфр масаласида қуйидагича фикр юритган экан: «... Ёҳуд иймон талабгорларидан бири дейдики: «Иймон фақат куфрдан кейингина мумкиндир». Шунга кўра, куфр иймоннинг заруридир. Тўғридан-тўғри ёмонликни исташ хунук, аммо хайр учун исталса-чи, хунук бўлолмайди. «Сизлар учун қасосда ҳаёт бор» дея буюрилади. Ҳеч шубҳасиз, қасос ёмонликдир. (Бироқ) халқни қотилдан қутқариш — куллий бир хайр. Жузъий бир ёмонликни куллий бир хайр учун исташлик чиркин эмас» («Ичингдаги ичингдадир»).

Тасаввуфда куфрнинг биз билмаган, билишга чоғлансак-да ботиний қирраларини илғаб олишга кучимиз етмайдиган, маънолари ҳам бор. Бироқ Румий ҳазратларининг юқоридаги фикрлари ва шу мавзудаги бошқа қарашлари муаммо моҳиятини чуқурроқ мулоҳаза қилиб кўришимизга далда беради. А.Камюнинг аксарият қаҳрамонлари, сиртдан қаралганда, даҳрийга ўхшаб кўринса-да аслида улар турланиб-турланиб иймонга келадиганлар тоифасига кирмасмикан? Ҳар ҳолда А.Камю воқеликни ҳеч қандай ниқобсиз, ўта реал ҳолатда тасвирлайди.

Адабиётшунос Баҳодир Карим ёзади: «Гётени оламга танитган фазилати унинг бетакрор ҳис-туйғуларигина эмас, балки чуқур илми, файласуфлиги, антик дунё ва Шарқ олами маданияти тарихини теран билганлигидир. Сир эмаски, серқирра ижод соҳиби, олтмиш ёш остонасида ҳам ҳижронда нола чеккан бобомиз Алишер Навоий олимларнинг олими эди». Бу гапларни экзистенциалист ёзувчиларнинг аксариятига нисбатан ҳам қўллаш мумкин. Зотан, улар мавжудлик фалсафасини ҳазрат Навоий ёки Мирзо Бедилдан камроқ билмаганлар.

Айрим дўстларимиз тасаввуфни қуёшга, экзистенциализмни шамга қиёслайдиларки, бу ғарб фалсафасига нописандликдир. Негаки, Гёте каби улуғларни камолга етказган Ғарб XX асрдан эътиборан жаҳон адабиётининг уриб турган юрагига айлангани кундек равшан. Бас, шундай экан, бир вақтлар форс-тожик, туркий адабиётни дунё миқёсига кўтарган тасаввуф билан ғарб адабиётининг эски танига жон ато этган экзистенциализмни ўзаро қиёслашнинг қандай ноўрин жиҳати бўлиши мумкин? Бу билан биз экзистенциализм айни тасаввуфнинг ўзидир, демоқчимасмиз. Ҳар ҳолда бу таълимот ҳам кучли шахсларни адабиёт майдонига олиб чиқди-ку.

Алалхусус, учинчи минг йилликда дунё умумийликка интилмоқда. Биз бир вақтлар инглиз ёки немис зиёлилари босиб ўтиб кетган йўлга эндигина қадам ташламоқдамиз. Ҳар жабҳада табақалашув рўй бераётган экан, демак, адабиёт майдони ҳам бундан мустасно эмас. Бинобарин, мураккаб адабиёт — олий адабиёт шаклланмоқда. Модерн — ана шу жараённинг сиртдан бир кўриниши, холос. Уни модерн деймизми, абсурд адабиётми ёҳуд бошқа номда атаймизми — бунинг фарқи йўқ: Энг муҳими, фикрлаш жараёни янгиланмоқда. Талаб ва таклиф янгиланмоқда. Оммавий китобхонликнинг сусайиб бораётгани бир тарафдан ёмон. Иккинчи жиҳатдан яхши: юз нафар, минг нафар ихлоси суст ўқувчидан бир нафар билимли, чуқур тушунадиган, садоқатли ўқувчи афзал. Бу тоифадаги ўқувчилар эса дунёнинг исталган нуқтасида камида юз, икки юз нафардан топилмоғига гумонимиз йўқ. Аслида ҳақиқий адабиёт ана ўшалар учун яралади.

Модерн — осмоний, ҳавойи тушунчалар билан иш кўрадиган усул эмас. Модерн макон излайди. У олислардан милтиллаб кўринадиган, аммо айни вақтда ёнингизда турган нарсадир. Худди туш каби, хаёл каби...

Тасаввур қилинг: Одам Ато космик кемалар турли сайёраларга йўл олаётган замонда яшагани йўқ. Бироқ унинг шуурий қуввати бизникидан фарқ қилмагани маълум. Бинобарин, инсоннинг ақлий-шуурий қувватига ислоҳ киритилмаган экан, демак унинг туйғуларини ибтидоий эртаклар, мифлар қанчалик қўзғаб юборган бўлса, замонавий усулларда яратилган модерн асарлар ҳам шу тариқа қўзғаб юбориши табиий ҳол. Муҳими, тушуниш, англаш, кечина билиш лаёқатидир.

**Баҳром РЎЗИМУҲАММАД**

# ЖУВОНМАРГ УМРЛАР

Мустақилликнинг ўн бир йиллиги арафасида Тошкентдаги "Шаҳидлар хотираси" мажмуида "Қатағон қурбонлари хотираси" музейи очилди. Бу даргоҳда ўтмиш мустамлака даври жароҳатлари, мустабид тузум халқимиз бошига солган кулфатлар ҳақида ҳужжатлар тили билан ҳикоя қилинади. Кўплаб қатағон қурбонлари орасида атоқли санъаткор, миллий маданиятимиз тарихида ўрни доим сезилиб турувчи инсонлардан бири Босит Қориев ҳам бор эди.

Босит Қориев 1897 йили Тошкент шаҳар, Шайх Хованди Таҳур даҳасининг Ширинқудуқ маҳалласида, Россия II Давлат Думасининг аъзоси, қози, аълам, мударрис, шоир Абдувоҳид қори Абдурауфқориев оиласида дунёга келди. Абдувоҳид қори ўз замонасининг билимдон, зукко жамоат арбоби, мустамлакачиликка қарши илк бор чақириқлар ёзган инқилобчи ва шу фаолияти учун Тулага сургун қилиниб, ўша ерда буюк рус ёзувчиси Лев Толстой билан суҳбатлашган ва унинг дафн маросимида иштирок этган ягона ўрта осиёлик зиёли эди. У ўғли Боситга ҳам дастлабки таълим-тарбияни ўзи берди, ҳатто фарзанди араб тили талаффузини ўрганиши учун унга атаб шеърий йўл билан «Тажвид» китобини ёзиб, 1906 йили нашр эттиргани маълум. Замона ўзгаришларининг иштирокчиси бўлган Абдувоҳид қори ўғилларининг Шарқ ва Ғарб маданияти, адабиёти билан ошно бўлишига шароит яратди.

Боситнинг хат-саводи яхши бўлса-да, шўролар ҳукумати идораларида ишлаш учун 1918 йили ўқитувчилар тайёрлаш курсига кириб ўқийди. Ўз даврининг атоқли намояндаси Мунаввар қори Абдурашидхонов, рассом, драматург Абдураҳмон Исмоилзодадан таҳсил олади. Курсни битириб бошланғич синфларда дарс бера бошлайди. Акмал Икромов, Абдуваҳоб Муродий, Саид Аҳрорий таъсирида «Изчилар» тўдасига аъзо бўлади. 1919 – 1921 йилларда ҳарбий хизматга чақирилиб, Қизил қўшиннинг сиёсий маориф бўлимида хизмат қилади. Ҳарбий хизматдан бўшагач, 1925 йилгача мактабда ўқитувчилик қилиб, «Изчилар» тўдаси қошидаги театр тўгарагида иштирок этади. Ҳаваскорликдан аста-секин профессионал театр труппаси бўлмиш «Турон» труппасига ўтиб, спектаклларда қатнаша бошлайди. Шу даврда бутун Туркистонга машҳур бўлиб кетган санъаткор Маъсума Саъдиддинова билан танишади. Ҳарбий хизмат чоғида дўстлашиб, қадрдонлашиб кетган дўсти Миркамол Миршаропов билан бир кунда тўй ўтказишга келишади. Хуллас икки дўст бир ҳовлида тўй ўтказадилар. Ҳар иккисининг қайлиғи ҳам санъаткор. Босит Қориев Маъсумахонимга, Миркомил Асҳобхоним Назировага уйланади. Тўйда Чўлпон иштирок этиб, ёш келин-куёвларни чин дилдан табриклайди. Аммо орадан кўп ўтмай икки дўст оила бир-биридан айриладилар. М. Миршаропов Москвага ҳарбий академияга, сўнг Мўғулистонга, ундан кейин Шимолий Кавказ халқлари отлиқ қўшинига қўмондон қилиб юборилади.

Маъсумахоним ва Босит Қориев кундузи тарбиячи, ўқитувчи, кечқурун артистлик билан шуғулланиб, халқни маърифатга, зиёга чорлайдилар. Аммо бу ҳаёт унинг кўпни кўрган кекса отасига маъқул келмайди, чамаси. Ўғлининг билимидан қониқмаган ота келин ва набираларини ўз паноҳида сақлаб, икки ўғли — Босит ва Боисни (Олтой) Москвага ўқишга юборади. 1925-1927 йиллар мобайнида Москвада махсус ўқув даргоҳини битириб келган Боситни Маориф Халқ комиссари Маннон Рамзий чақириб, комиссарликка ишга олади. 1931 йилгача комиссарликнинг мактаб бўлимида иш олиб борган Босит Қориевни 1932 йили Фарғона педагогика институтига ректор қилиб тайинлайдилар.

1933 йили Ўзбекистон томоша муассасалари бошқармаси (кейинчалик Ўзбекистон ХКС қошидаги Санъат бошқармаси) бошлиғи ўринбосари лавозимига тайинланади. 1937 йил 21 июлда шу лавозимда ишлаб турган жойидан қамоққа олинади. У ўша пайтда 9 январ кўчасидаги 6-уйда истиқомат қиларди. Тинтув вақтида уйидан К. Радек, Зиновьев, Бухарин, Чўлпон китоблари олинади. Унга «Аксилинқилобий миллатчилик, Обид Саидовни ўлдириш мажлисида қатнашганлик» айби қўйилади. У айбнома билан танишар экан, лотин алифбосида: «Айбномани ўқидим, айбномани қабул қилмайман» деб имзо чекади. Ана шундан сўнг турли усул ва воситалар орқали айбни тан олдиришга уриниш ҳаракатлари бошланади...

Ўша вақтда ҳуқуқий маълумоти бўлмаган, ҳақиқий воқеалардан четда яшовчи, қўрқитилган, эътиқоди тамоман сусайтирилган омма орасида ҳар қандай жўн иш ҳам ваҳимали бўлиб кўринар, аслида бўлмаган душман тимсоли шакллантирилиб қўйилар эди. Бундай ҳолатда минглаб одамлар «Мана бу, мана бу шахслар бегуноҳ, айбсиз» десалар, омма сукут сақлаб тураверарди. Бу ҳолатларнинг маъюс кузатувчисига айланган Босит укаси Боис қамоққа олингач янада жиддийлашиб, ғамгин, ҳаловатсиз умр кечиради. Чунки ўзи ва дўсти М.Миршароповнинг ҳаётига соя тушганини юрагидан ҳис қиларди. М.Миршаропов қамоққа олинади. У сўроқларда дўсти Б.Қориев ҳақида лом-мим демайди. Шундай бўлса-да, Б.Қориевнинг ҳар бир қадами изчил кузатилади. Ўша йил 17 апрелда бошқарма ходимаси А.Ломакина номидан туҳмат уюштирилади.

Босит Қориев санъаткор ва миллий санъат фидойиси сифатида драматургия, музиканинг илмий-амалий масалаларини ҳал қилиш учун Фитрат, Чўлпон, Ғулом Зафарий, Н.Миронов, Ломакин, Муҳиддин қори Ёқубов, А.Успенский каби музика билимдонлари, Зиё Саид, Санжар Сиддиқ, Аъзам Айюб сингари таржимонларни ишга жалб этади. Уларни таъқиб ва тазйиқдан ҳимоя қилади. Ёш бўлса-да, миллий санъатга астойдил хизмат қилаётган Зуҳур Қобулов, Толибжон Содиқов ва М.Ашрафий кабиларнинг ижод қилиши учун йўл очади. Шу боис улар узоқ вақт баҳона ахтариб ўтирмай, Қориевни шартта қамоққа оладилар.

Санъат фидойиси ўз сафдошлари, замондошлари каби "стандарт" гумон билан айбланади. Қориев улар хоҳлаган ахборотларни бермайди. Стандарт савол-жавобларга мажбурлаб қўл қўйдирилади. Ана шу савол-жавоблар, юзлаштиришлар орасидаги айрим гап-сўзлар Қориевнинг шахсини, санъат ва ижодкорга муносабатини очади, таржима санъати, таниш ижодкорлар фаолиятини биографик нуқтаи назардан тўлдиради. Шуни эътиборга олиб қуйидаги мисолларни келтиришни лозим топдик.

Савол («Изчилар" тўдаси ҳақида — **С.А.**): Бу аксилинқилобий тўданинг мақсади нимадан иборат, қандай амалий, аксилинқилобий ишни олиб борар эди?

Жавоб: «Изчилар» тўдасининг мақсади Боту — Рамзий ёки «Миллий истиқлол» гуруҳиники каби эди. Асосан шўро ҳукуматининг таъсирисиз буржуа-демократик давлат шаклидаги миллий озодликни қўлга киритиш, ёшларни шу руҳда тарбиялаш, миллиятчи кадрларни тўплаш бўлган. Бу гуруҳнинг мақсад ва дастурини маълум даражада «Турк адам марказият» (адам марказият — федерация маъносида — С.А.) ташкилоти белгилар эди. Ушбу гуруҳнинг амалий фаолияти умуман олганда мактабларда миллиятчилик (миллатпарварлик — С.А.) ташвиқотини олиб бориш, жойларга миллий кадрларни жойлаштиришдан иборат эди. Умуман, мен ишлаган мактаб қурилиши соҳасида ва гуруҳ қўлида бўлган Наркомпросда (Маориф халқ комиссарлиги — С.А.) айрим ислоҳотлар билан эски мактабларни сақлаб қолиш сиёсати олиб бориларди. Дастурда диний дарсларни ўқитиш кўзда тутилганди. Бу мактаблар шўро мактабларига қарши қўйилган бўлиб, уларнинг тенг ҳуқуқда давом этиши эътиборга олинган эди.

Санъат соҳасида турғунлик тарғиб қилинар, санъат оммани миллатчилик руҳида тарбиялаш воситаси сифатида ишлатилар ва санъатдан шу мақсадда истифода этиларди. Бу соҳадаги тараққиёт характерини Чўлпон, Уйғур, Фитрат, Қори Ёқубов белгилар эдилар. Наркомпроснинг расмий афкори оммаларида миллатчилик ташвиқоти олиб борилар, Чўлпон, Вадуд Маҳмуд каби таниқли миллатчилар ёзишар эди. Айниқса, адабиёт соҳасида миллатчилик кенг тарғиб қилинарди. Аммо мен адабиёт билан кам мулоқотда бўлганман ва бу ҳақда батафсил маълумот бера олмайман.

Гуруҳ аъзолари Рамзийнинг уйида



мудавомат йиғилиб туришарди. Мен Рамзийнинг Носир Саидов ҳовлисидаги хонасида ўтган йиғилишларда қатнашганман».

Савол-жавобга шарҳ.

1918 йилнинг иккинчи ярмидан бошлаб миллий истиқлолни истаган кишилар «Туркистон Мухторияти» бостирилишининг аччиқ сабоғидан келиб чиққан ҳолда мустақилликни қўлга киритиш учун давлатни бошқаришнинг турли соҳаларида зарур мутахассисларни тайёрлашга киришадилар. Шу мақсадда Туркистондаги турли мактаблар, ўқув курслари, билим юртлари қошида ярим ҳарбийлашган спорт ўқув синфлари ташкил қилинади. Бу мактабларда умумтаълим-тарбия билан бирга почта-телеграф, ҳарб дарслари, ҳунар, санъат соҳалари ҳам ўқитилар, айниқса, театр-музика тўгараклари тараққий этган эди. Босит Қориев аъзо бўлган «Изчилар» тўдаси (1918 йил июн ойларида ишлаган) мажбуран тўхтатилган тўдаларнинг энг кучлиси эди. Бу тўданинг Б. Қориев аъзо бўлган театр тўгараги ўша пайтдаги энг кучли театр жамоаларидан бири ҳисобланган. Қўрққан олдин мушт кўтарар тарзида шўролар ҳукумати томонидан тўхтатиб қўйилган бу тўдалар ва театр тўгараклари бадиий ҳаваскорлик санъатининг ривожланишига кескин равишда тўсиқ қўйган эди. Тўгаракларга раҳбар бўлган таниқли ижодкорлар ўлканинг турли жойларига, қолаверса, ўша пайтда мустақил бўлган Бухоро ва Хоразм жумҳуриятларига сафарбар қилинган. Бундан ташқари, савол-жавобда тилга олинган муаммолардан ҳеч бирининг Б.Қориевга дахли йўқ. Чунки бу масалаларнинг барчаси миллий чегараланишгача чала амалга оширилган ишлар эди. Туркистон миллий жумҳуриятларга бўлиб ташлангач, бу масалалар ўз-ўзидан кучини йўқотгани маълум фактлардир.

Энг моҳир ҳуқуқшунос учун бу чигалликларни ечишга йиллар керак бўлишини, ўшанда ҳам барча ҳужжатлар уларнинг қўлига эмин-эркин тегмаслигини билган НКВДчи терговчилар атайлаб ишни чигаллаштириш учун бир ишнинг ёнига иккинчисини боғлаганлар. Шу сабабли тўдалар масаласи кўтарилганда, бу масалага алоқаси бўлмаган Маориф комиссарлиги ходимлари, театр арбоблари қўшиб қўйилмоқдаки, асл воқеалардан хабардор бўлмаган ҳуқуқшунос масалани англаб етмай, тергов олиб борганларнинг макру ҳийласини кўр-кўрона қўллашдан ўзга чораси қолмайди.

Б.Қориевни атоқли жамоат арбоби, ёши ўзидан улуғ Мунаввар қори билан алоқадорликда, бинобарин, «Миллий иттиҳод»га аралашганликда гумон қиладилар. «Мен Мунаввар қори билан алоқада бўлган эмасман. Мен Фитрат билан гаплашиб турардим. Фитрат эса Мунаввар қори билан тескари эди», — дейди у.

Ҳа, ўша кезларда Мунаввар қори имло масаласида Фитрат билан келишмаган эди. Аммо бу икки сиймонинг ўртасида душманлик бор эди, деган гап эмас. Гарчи Мунаввар қори куни қўлқоп тикиб сотиш билан ўтаётган, яқинда ўзини шогирд кўрсатиб юрганлар унга матбуот орқали ҳужум қилиб турган бўлсалар-да, Фитрат бундай пасткашликдан анча йироқ эди.

... Ўтган асрнинг 20-21-йилларида шўро мактабларида диний дарслар ўқитиш ман этилди. Аҳоли ўз болаларининг динсиз бўлиб қолишидан қўрқиб, мактабларга юбормай қўйди. Шундан сўнг мактабларда диний дарсларни ўқитишга беихтиёр руҳсат берилди. Бунга Қориевнинг дахли йўқ эса-да, унинг бўйнига бу масаланинг айб сифатида қўйилиши ҳам ўша маккорликнинг бир кўриниши эди.

«Ўзига ўзи бўҳтон қилиб, жиноятга бошқаларни шерик қилиш» усули ниҳоятда кенг қўлланган 1937 йили, 17 октябрда ўтказилган сўроқ ҳам айнан шундай усулда олиб борилган.

1919 йилдан эътиборан жадидлар 1914 йилдан бошлаб миллий маданият-маънавиятни асраб қолиш ва ҳимоя қилиш борасида бошлаган ишларни илмий асосда олиб бориш йўлга қўйила бошланди. Ҳусусан, «Академ марказ», «Халқ консерваторияси» ташкил қилинди. Ўзбек миллий куй ва қўшиқларини тўплаш ва нашр этишга киришилди. Ғулом Зафарий ва Элбек ҳамкорликда илмий сафар уюштириб, халқ қўшиқларини тўплаб, китоб ҳолида чоп қилдилар. Кўп йиллик тарихга эга мусиқа ва театр тарихига оид адабиётлар, хотиралар тўпланди, халқ оғзаки ижоди намуналари ёзиб олинди. Миллий мусиқа ва ашулалар фонограммаларга кўчирилди. Музика мактаблари, техникумлари ташкил қилинди...

Мазкур йилларда бошқарма бошлиғининг ўринбосари лавозимида ишлаган Б.Қориев миллий санъат масалалари билан шуғулланар ва юқорида тилга олинган ишлар бевосита унинг раҳбарлигида амалга оширилган эди. Энди, айб сифатида қўйилаётган масалаларга келсак, қуйидаги манзара пайдо бўлади. Опера театрида рус ва ўзбек труппаларини бирлаштириш иқтисодий томондан фойда берса-да, ижодий жиҳатдан миллий операни ривожлантиришга катта зиён етказарди. Сабаби, унисон музикага асосланган миллий мусиқани бирданига кўповозликка ўтказиш асрлар давомида шаклланган Оврупо композиторлик санъатини кўр-кўрона қабул қилишдан иборат бўлиб, яратилажак опера шаклан миллий кўрингани билан мазмунан миллий чиқмас эди. Оврупо ва миллий мусиқа заминида униб чиқадиган ҳам шаклан, ҳам мазмунан миллий, шу билан бирга, умумжаҳон талабларига жавоб берадиган мусиқанинг яратилишига кескин тўсқинлик қилар ва миллий операнинг ривожланиши ўз-ўзидан тўхтаб қолар эди. Бу йўлни музикадан яхшигина хабардор бўлган Миронов ва Успенский ҳам қувватлаганлар. Умрини ўзбек мусиқасини тўплаш ва ўрганишга бағишлаган бу кишилар самимий одамлар эди.

Хуршид масаласида шуни очиқ айтиш керакки, миллий театр репертуарини бойитиш учун астойдил ҳаракат қилган, талайгина асарларни деярли сув текинга таржима қилган, ҳар бир режиссёрнинг талаби билан ўз асарини эринмай қайта-қайта ишлаган драматург кам топилади. Биргина «Фарҳод ва Ширин»нинг бир неча нусхасини яратгани кишини ҳайратга солади. Ўша даврда бундай билимдон, чин маънода шоир ва театр дўстининг ўрнини босадиган кишининг ўзи йўқ эди.

Ёднома

Атрофдан уюштирилган ҳужумлардан чарчаган Ғулом Зафарий «Ҳалима»дан сўнг ёзган биргина мусиқали асарини ҳам ҳукуматнинг кўзига яхши кўринган шахслардан бири ўзиники қилиб олгач, бошқа нарса ёзмади. Чўлпон эса халқ манфаатига хизмат қилгани учун деярли ҳар куни аллакимнинг таёғига дуч келар эди. Ана шундай шароитда театрга директорлик қилиш Зиё Саидга осон кечмади. Аммо ҳақиқатни айтадиган бўлсак, театрнинг репертуари Зиё Саид даврида ҳар жиҳатдан юксак савияли асарлар билан тўлдирилди. Сўроқда келтирилган барча савол-жавоблар заминида эса «миллий маданиятни ривожлантирганинг учун жазога сазоворсан, аксини қилганингда ҳам Абдувоҳид қорининг ўғли, Акмал Икромовнинг яқини сифатида омон қолмас эдинг» деган дашном ётади, холос. Акс ҳолда миллий маданиятни она заминдан айирмаган ҳолда ривожлантиришни истагани учун Қориев ҳам, Фитрат, Зафарий, Қори Ёқубов ҳам айбланмас эдилар.

Театр жонкуярининг бўйнига ағдарилган айблардан бири академик драма театри учун қилинган таржималар бўлди. Сўроқлардан бирида Қориев Чўлпон билан «Тўфон», «Борис Годунов», «Егор Буличев», «Маликаи Турандот», «Зағмуқ», «Ўсиш», «Макр ва муҳаббат», «Портфелли киши»,«Бронепоезд 14-69» , «Наърангни торт, Хитой», «Боғоват»; Санжар Сиддиқ билан «Ажойиб қуюлма», «Ван Ши Бин», «Қўзибулоқ қишлоғи», «Менинг дўстим»; Абдулла Қодирий билан «Уйланиш»;Аъзам Айюб билан «Интервенция», «Макр ва муҳаббат»; Усмон Носир билан «Скапеннинг найранглари»; Жасур билан «Шодлик кўчаси» асарларини таржима қилиш учун тузган шартномаси айб деб топилган. Ҳолбуки бу асарлар ўша даврда шўро театрларининг барчасининг репертуарида бор эди. Бир сўз билан айтганда, цензура рухсатидан ўтган асарлар эди. Бироқ Босит Қориевнинг юрагига тўппонча тираганлар учун Ломакина номидан ёзилган туҳмат камлик қиларди. Шу боис «стандарт» айб билан қамоққа олинган Зиё Саид ва собиқ Маориф комиссари Мўмин Усмонов билан юзлаштириш ўтказилади.

... Босит Қориев тутқунхонада азоб чекар экан, ўзидан бир неча хона наридаги зиндонда соч-соқоли, ҳатто қошигача оппоқ оқариб кетган, 82 ёшли мункиллаган отаси 1938 йил 12 январда калтак зарбидан ўлганидан мутлақо хабарсиз эди. Отасининг ўлимидан ўн ой ўтар ўтмас 4 октябр куни унинг ҳаёт шами мажбуран сўндирилди. Бир ҳужжатда 1938 йил 5 октябрда олий жазога ҳукм қилинди, дейилса, бошқасида 4 октябр куни ҳукм ижро этилди, деб ёзилган...

1957 йили кўпчилик қатори Босит Қориев ҳам оқланди, аммо бу тўғрида бирон жойда лом-мим дейилмади. Инсонни фақат жазолаш тизимига асосланган шўро ҳукумати Босит Қориевни ўлдириб тинчимади, ўзига сидқидилдан хизмат қилган буюк актриса Маъсума Қориевага ҳам шафқат қилмади. Отасининг халқ душмани эмаслигини оқлаш учун фронтга олдинма кейин кетган икки ўғил ҳам маҳв этилди. 18 яшар Шавкат «Қизил Байроқ» ордени билан тақдирланиб, отаси шаънини юксак кўтариб, 1943 йилда Белорус тупроғида, Ботир эса 1945 йил 2 майда Берлин учун жангда шаҳид кетди. Маъсумахонимнинг ярадор қалби бу мусибатга чидаш бермади. Фарзандларининг шаҳид бўлганини тасодифан эшитган заҳоти оғир дардга учради. Москва шифокорлари унинг ғам-ташвишдан, мусибатдан адо бўлган кичкинагина жуссасидаги дардларни суғуриб, шифо топишга ожизлик қилдилар. У 1946 йил апрелда дунёдан кўз юмди.

Шўролар ҳукуматининг қотиллари Маъсумахоним ва Босит Қориев зурёдларини ҳам қолдирмади, аммо миллий санъатимизнинг икки улуғ сиймосининг шаънини сўндира олмади. Бутун умри, бахту тахтини элга бахшида этган бу оила мустамлака тажовузига учраган, аммо таслим бўлмаган санъатимизнинг рамзидир. Тарихда шундай бўлиб қолишига ишончимиз комил.

**Сирожиддин АҲМАД**

# Дунё — кенг...

## 75 ЙИЛ ҚАБРДА... ТИРИК

**Кейинги кунларда Бурятия республикасида тарқалган бир шов-шув одамларнинг тилидан тушмай қолди.**

Гап шундаки, сентябр ойида хамбо-лама Даши-Доржо Итигиловнинг қабри очилган эди. Бундан роса етмиш беш йил олдин вафот этган бу инсон бурят халқининг буюк маърифатчиларидан бири бўлган. Унинг қабрини очганлар ҳайратга тушишди: Итигилов жасади қандай қўйилган бўлса шундайлигича — бус-бутун сақланган, ҳатто териси ҳам майинлигича сақланган. Қолаверса, хамбо-ламанинг кийимлари — зарин қўйлаги ва тиззаларидаги кўк тасма ҳам яхши сақланган. Будда мулласининг жасади солинган ёғоч тобут туз билан тўлдирилган. Марҳум тобутда сувдаги гул — нилуфар ҳолатида турган.

Олимларнинг фикрича, тобутнинг туз билан тўлатилгани жасаднинг чиришини секинлаштирган бўлиши мумкин, бироқ бу жасаднинг айни ҳолатда сақланиши учун етарли эмас. Шундан келиб чиқиб, тадқиқотлар Итигилов организмида «ҳужайралар структуралари бузилиши жараёнини тезлаштирадиган генлар фаолияти издан чиққан» бўлиши керак, деган фикрни билдиришди.

Диндорларнинг эса бу борада ўз хулосалари бор, улар олимларнинг фикрларини инобатга олишмайди. Улар хамбо-ламани медитация орқали онглиликнинг энг олий даражасига эришган, деб ҳисоблашади. Айрим руҳонийлар ҳатто Устознинг онги қабрда етмиш беш йил мобайнида танасини тарк этмаган, деб ишонишади. Бошқача айтганда, Даши-Доржо Итигилов ҳануз... тирик.

## БЕКИНИШНИНГ ФОЙДАСИ ЙЎҚ

**Қочган ҳам худо дейди, кувган ҳам, деган гап бор. Бироқ энди бирор ножўя иш қилиб, қочиб пана-пастқамга бекинган билан милициянинг «кўзи»дан четланиш қийин.**

Россиялик олимлар жиноят содир этиб, жуфтакни ростлаган кимсаларни улар яширинган ҳар қандай жойда топиб оладиган асбоб яратишди. Бу асбоб бекинган кишини бино ичида, сув остида, тупроқ тагида, хуллас, қаерда бўлмасин аниқлаб бера олади.

Янги асбобни Россия ички ишлар вазирлиги бир ярим йилдан кейин қўллаш имкониятига эга бўларкан. Албатта, бундай қулайлик билан мамлакатдаги барча милиция участкаларини қисқа фурсатда таъминлашнинг иложи бўлмайди. Чунки бу топқир асбобнинг бир донаси ўн беш минг доллар тураркан.

## «ИТТИ КУНИ...»

**Иш йўқ итини суғоради, дейишади. Буни тушунса бўлади. Бироқ дунёда шундай одамлар ҳам борки, уларнинг итларга кўрсатаётган... куни, беихтиёр ҳайратга солади кишини.**

Флорида (АҚШ) штатидаги Уэнделлар оиласида итга меҳр кўрсатиш ақлга сиғмас даражадаки, бунақаси ҳали учрамаган. Бу оилада турли вақтларда бештадан ўн биттагача ит асралган. «Жаноби итлар»ни уй эгалари олий навли қўй гўштидан тайёрланган котлет билан боқишади. Ўзларини беҳузур сезишган чоғда итлар товуқ гўштидан буғлаб пиширилган котлет тановул қилишади.

Жониворларнинг ётоқлари ҳам «беш юлдуз»ли меҳмонхоналардан кам эмас. Ҳар бир итга алоҳида ётоқхона, ўймакорлик санъати намунаси деса арзийдиган қимматбаҳо каравот, атлас чойшаблар... Боз устига ҳар бир итга алоҳида ваннахона ажратилган.

Уэнделлар оиласининг энг охирги вакили Элла Уэндел саксон етти ёшида вафот этди. Ўлими олдидан хоним ўзининг севимли олапари Тобига 15 миллион доллар бойликни васият қилиб қолдирди.

# ДОМЛА БЎЛИШ ОСОН ЭМАС

Қутлаймиз!



Аслида Домла — профессор Тошпўлат Турсунов қаёкда-ю, каминаи камтарин Машраб Бобо қаёкда эди? Иккаласини авваламбор сиртдан, кейин ростмана таништирган мўъжиза бор бу дунёда. Бу мўъжизанинг оти — ТЕАТР!

Тўғри, домла Санъат институтида дарс берган, каминаи камтарин ўша даргоҳда таълим олган. Аммо, тақдир тақозосига кўра институтда рўпара бўлмаганмиз.

Машраб Бобо ҳали пиеса ёзганига қадар ҳам театр ҳаёти билан қизиқар (бекорга Санъат институтида ўқимаганда!), бинобарин, бу ҳаётга оид мақола, китобларни қидириб топиб ўқир эди. Ўша мақола, китобларнинг энг чўғи ўткири Тошпўлат Турсуновники бўларди.

Кейин тақдир тақозоси билан домлани кўриб, у кишининг суҳбатини олиш шарафига муяссар бўлди. Театрларда, Ёзувчилар уюшмасида Тошпўлат Турсунов жуда талабчан, ўткир танқидчилардан эди. Аммо шуни айтиб қўйишим керакки — ҳаммамиз ҳам одаммизда! Домла қанчалик талабчан бўлса, шунча кўнгилчан ҳам эдилар...

Хуллас, Тошпўлат Турсунов тўғрисида гапиришдан мақсад нима? Мақсад театримиз, унинг фидойилари, жумладан, домла тўғрисида икки оғиз дил сўзини айтиш. Тошпўлат ака спектакллар муҳокамаларида, Ёзувчилар уюшмасидаги йиғилишларимизда, мақолаларида, китобларида айтган гаплар каминага ниҳоятда маъқул бўлар эди. Энг аввало, профессионаллиги, кейин тўғри сўзлиги билан. Аслида тутни тепсангиз нима тушади? Машҳур Расул Ҳамзатнинг «Доғистоним»ини ўқигансиз, албатта. Ўша китобда бир гап бор. Расул Ҳамзатов кирган курсга йигирма беш бола киради. Ҳаммаси шоир, ёзувчи, драматург. Бир йилдан кейин шоир билан ёзувчи камаяверади. Ниҳоят институтни битта шоир, битта ёзувчи, битта драматург, ЙИГИРМА ИККИТА танқидчи битириб чиқади.

Тошпўлат Турсунов ўзининг кўпгина ҳамкасбларидан фарқли равишда, олим бўлмаганида ҳам яхши актёр, яхши режиссёр бўларди. Чунки домла айтган, айтадиган гаплар адабиётда Ўзбекистон Қаҳрамони Озод Шарафиддинов айтадиган гаплардай янги, дадил, бутун!

Бир одамни домладан олдинга қўйсак айб бўлмас. У — ўзбек театри тарихчиси, ажойиб олим, ажойиб домла, ажойиб инсон, академик Мамажон Раҳмонов! Барча театршуносларимиз, яхшилар ҳам, афсуски, ёмонлари ҳам Мамажон Раҳмоновнинг «тўнидан тушган». Мен домланинг бугунги кунда ҳам театр ҳаётида, матбуотда фаоллигига қойил қоламан. Бунинг устига, домла ҳар куни келиб, «Ўзбектеатр»нинг чироғини ёқади.

Тошпўлат Турсуновнинг устозини айтдим. Энди шогирдларига тўхталай. Домланинг ҳавас қиларли тарафи шундаки, у фахр билан тилга олишга арзийдиган ҳақиқий шогирдлар етиштирган. Фан докторлари Элдор Мухторов, Муҳаббат Тўлахўжаева, фан номзодлари Тоҳир Йўлдошев, Марфуа Ҳамидова, Олтиной Тожибоева нафақат Тошпўлат аканинг, ҳаммамизнинг фахримиз! Тўғри, Олтиной бевосита Мамажон Раҳмоновнинг шогирди, лекин Тошпўлат акани ҳам устоз деса, Мамажон ака хафа бўлмас?

Тошпўлат Турсунов Санъат институтида ректор ҳам бўлди. Ростини айтиш керак, бу лавозим ҳар кимга ҳам муяссар бўлавермайди. Мамажон Раҳмонов, Ҳабиб Абдуллаев, Омон Ризаев...

У киши тўғрисида гапираверсак гап адо бўлмайди. Аммо шунда ҳам моҳиятни очиб беролмаган бўламиз. Шунинг учун гапни лўнда қилиб, мақсадга ўтсам. Мақсад шуки, ана шундай истеъдодли олим, меҳрибон устоз, дўст инсон етмишга кириб қўйибди. Энг аввало, муборак бўлсин! Ҳозир ўртача умр узайган. Мамажон домла — мисол. Сиз ҳам, домла, домлангиздан ибрат олиб, у кишини қувлаб кетаверинг, бизни ортингиздан эргаштираверинг!

Шу.

**Камоли эҳтиром ила,**
**мухлисингиз**
**Машраб БОБОЕВ**

# ДЎСТИМИЗ ХОТИРАСИ

Шафқатсиз ўлим таниқли созанда, Ўзбекистон давлат консерваториясининг профессори, Ўзбекистонда ҳизмат кўрсатган халқ таълими ходими Ашот Константинович Назаровни 79 ёшида орамиздан олиб кетди.

Ашот Константинович 1929 йили ишчи оиласида таваллуд топди, 1938-1941 йиллари Ҳамза номидаги Тошкент мусиқа билим юртининг Ўзбек халқ чолғулари бўлимида таҳсил олди. 1943-1945 йилларда иккинчи жаҳон урушида қатнашиб, Украина ва Белорусия фронтлари жангларида жасорат кўрсатди.

1947-1957 йилларда Ўзбекистон Давлат филармонияси тасарруфидаги ўзбек халқ чолғулари оркестрида созанда-ижрочи сифатида хизмат қилди. Шу билан бирга консерваториянинг «Ўзбек халқ чолғулари» факултетида тахсил олди. 1961 йилдан умрининг охиригача консерваторияда ўқитувчи, доцент ва профессор лавозимларида ишлади.

«Ўзбек халқ чолғулари» ихтисослиги бўйича 50дан ортиқ шогирдлар тарбиялаб етиштирди. Ўқув қўлланмалари, дарсликлар яратди.

Ашот Константинович Назаровнинг ўзбек мусиқа санъати тараққиётидаги улкан хизматлари муносиб тақдирланди. У «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими» фахрий унвони, орден ва медаллар соҳиби эди. Камтарин инсон ва садоқатли мураббий ўзининг бой тажрибасини ёшларга саховат билан ўргатди. Биродаримиз хотираси қалбимизда абадий сақланиб қолади.

**Бир гуруҳ дўстлари**

Маданият ишлари вазирлиги Тошкент шаҳар "Ибн Сино" маданият маркази директори, "Умид" халқ студиясининг бадиий раҳбари Азим АЗИЗОВга акаси **Абдурасул ТЕШАБОЕВ**нинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
* * *
*НОШИР: «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ*

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

Манзилимиз: Тошкент — 700083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 133-52-91, котибият — 136-56-50

*Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 136-56-50 Ижтимоий ҳаёт бўлими: 133-49-93*
*Санъат бўлими: 136-56-48 Назм ва наср бўлими: 133-49-93*

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи
Мурод АБДУЛЛАЕВ

*Редакцияга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.*

Навбатчи муҳаррир — Маҳмуд САЪДИЙ
Саҳифаловчи — Нодирбек ОРТИҚОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Манзили: Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй
Босишга топшириш вақти—20.00. Босишга топширилди — 21.00.

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00024-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г— 970. Ҳажми — 3 босма табоқ. Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 4 5 6

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.
СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН

Тиражи—4309